

Инсон қадри узун, инсон бахти узун!

2025-yil
1-yanvar
chorshanba
№ 1-,2-,3
(5067)

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Мухтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни, кўпмиллатли Ўзбекистон халқини янги – 2025 йил билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Жаҳондаги мураккаб вазиятга қарамасдан, ўтган йил мамлакатимиз учун кутли ва баракали бўлди. Бунинг учун ҳар қанча шукрона айтсак, арзийди.

Меҳнаткаш халқимизнинг фидокорона меҳнати, сиёсий-ижтимоий фаоллиги билан Янги Ўзбекистон гоёси реал воқеликка айланмоқда.

Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар демократик ислохотларнинг янги даврига қадам қўйганимизни яна бир марта тасдиқлади.

Юртимизда юқори технологияли янги саноат мажмуалари, инфратузилма ва логистика тармоқлари, автомобиль ва темир йўллар барпо этилди. Бизнес, IT ва туризм соҳалари изчил ривожланмоқда. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифати ошмоқда.

Миришкор дехқон ва фермерларимиз, кластерларимиз ишчи-хизматчилари мардона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар.

Янги уй-жойлар, боғча ва мактаблар, олийгоҳлар, маданият ва спорт масканлари қад кўтармоқда. Юртимиз тобора обод қиёфа касб этмоқда. Минглаб юрдошларимиз Янги йилни янги уйларида кутиб олмоқда.

Билimli ва шижоатли, навқирон ёшларимиз улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Айниқса, Олимпия ва Паралимпия ўйинларида эришилган рекорд натижалар миллий спортимиз тарихида янги саҳифа очди.

Фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маҳаллаларнинг роли ва таъсири кучаймоқда. Маънавий юксалиш жараёнлари ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланмоқда.

Глобал аҳамиятга эга ташаббусларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг рақобатбардош мамлакат, ишончли ҳамкор сифатидаги обрў-эътибори юксалиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси диёримиздаги барқарорлик, дўстлик ва ҳамжихатлик натижасидир. Бутунги шуқухли оқшомда сиз, азизларга, оли-

жаноб ва бунёдкор халқимизга ҳалол меҳнатингиз, она юртга садоқатингиз учун самимий миннатдорчилик изҳор этаман.

Қадри дўстлар!
Биз 2025 йилга мамлакатимизда **Агроф-мухитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили** деб ном бердик. Асосий мақсадимиз – инсон ва табиат мувозанати асосланган тизим яратишдир.

Янги йилда бизнес учун янада кенг имкониятлар яратилади. Хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ишларини қатъий давом эттирамиз.

Ижтимоий соҳалар, иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар, нафақалар миқдорини ошириш эътиборимиз марказида бўлади.

Фарзандларимизнинг замонавий билим ва касб-хунар эгалари, баркамол бўлиб тарбия топишлари учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт соҳаларига эътибор янада қучайтирилади.

Мухтарам фахрийларимиз, хотин-қизлар ва ёшларга ғамхўрлик қилиш, ижтимоий ҳимоя самарасини ошириш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Қуроли Кучларимиз салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш ишларини янги босқичга кўтарамиз.

Мухтасар айтганда, **«Инсон қадри учун, инсон бахти учун!»** деган олижаноб мақсадни барчамиз биргаликда амалга оширамиз.

Азиз ва мухтарам юрдошлар!
Барчангизни, чет эллардаги ватандошларимиз, хорижий ҳамкор ва дўстларимизни бутунги кулуг байрам билан яна бир бор чин дилдан табриқлайман.

Янги йил ҳар бир инсон, ҳар бир оилага, жонажон юртимизга катта-катта ютуқ ва омадлар олиб келсин!

Ҳамма эзу ниятларимиз рўёбга чиқсин!
Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Саҳифаларда ўқинг...



15 000 000
аҳолини
ўйлантирган
муаммога
ечим бўлган
қонун

8 >>>



Тошкент
метросининг
янги қиёфаси

янги йўналишлар,
янги бекатлар,
замонавий эскалаторлар,
ҳар томонлама
қулай ҳаракат

11 >>>

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» – БОЛАЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ БАЙРАМИ

«Президент арчаси» тантаналари ҳар йили баланд руҳда бўлиб ўтади. Бу йилги байрам аввалги йилларга муқофала ўхшамаган халқона, ёрқин, таассуротларга бой тарзда ўтказилди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро форумлар саройига асосан ижтимоий ҳимоя муҳтож, ота-она қармоғисиз қолган, имконияти чекланган болажонлар таклиф этилди.

Мазкур тадбир юртимиз келажак бўлган болажонлар учун алоҳида эътибор ва ғамхўрликни ифода этади. Давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлаши остида олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар, айниқса, болажонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли дастурлар бунинг ёрқин мисолидир.

Байрам дастури болажонлар учун театр томошалари, интерфаол ўйинлар, цирк артистларининг кизикарли чиқишлари ҳамда машҳур эстрада хонандалари кўшиқларига бой бўлди.

Мамлакатимизда етим ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болажонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга сифатли таълим-тарбия бериш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, «Президент совғаси» ижтимоий дастури доирасида кўнгли ярим болажонларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга катта аҳамият қаратилади.

Шу билан бирга, «Президент совғаси» дастури доирасида ҳам республика бўйлаб жами 10 минг 282 нафар Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари ўғил-қизлари, «SOS – болажон маҳаллалари», Оилавий болажон уйи тарбияланувчилари, ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болажонлар, юр-



тимиз тинчлиги йўлида қурбон бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг фарзандлари учун 12 номдаги ўқув қуроллари ва 15 номдаги ширинликлардан иборат бўлган Президент совгалари тайёрланди.

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида кўшиқлар, кувноқ ўйинлари авжида. Беғубор болаликни ёдга солувчи ушбу лаҳзаларда барчанин кўнгли шодликка тўлган.

– Бу йилги байрамнинг ўзига хос йўналишда таш-

қил этилгани болажонларга манзур бўлмоқда, – деди пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Хурсаной Холова. – Сарой фойеси кўплаб бурчакларга бўлинган бўлиб, уларда болажонлар учун ажойиб ўйинлар, викториналар ташкил этилгани эътиборга молик.

– «Президент арчаси» тантаналарида катнашишни ҳар бир бола орзу қилади, – деди Тошкент шаҳридаги 30-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Жавоҳир Дани-

лов. – Биз бу байрамда юртимизнинг машҳур инсонлари, санъаткорлар, спорт юлдузлари билан кўришиш, улар билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдик.

– Тарбия масканимиз катта бир оилага ўхшайди, – деди 30-Меҳрибонлик уйи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Фанилия Габбасова. – Болажонлар ушбу байрамга катта тайёргарлик кўрдилар, байрамона кийимлар тайёрлашди. Шейр ва кўшиқлар ўрганишди. Давлатимизнинг болажонларга меҳр ва эътиборини ўғил-қизларимиз наинки ушбу тантаналарда, балки ҳар кун, ҳар лаҳзада ҳис этмоқда.

– Бундай тантанали тадбирда болажонлар билан учрашиш, суҳбатлашиш орқали уларнинг қалбига қувонч улашишдан ортқ бахт бўлмаса керак, – деди оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Руслан Нуриддинов. – Болажонларга нафимиз теккани ва уларга бир олам қувонч бағишлаганимиздан жуда мамнун ва бахтиёримиз.

Мухтасар саройнинг залида юзлаб турфа чироклар порлайди. «Аё боб» театрида қўйилган эртаги замонавий талқинда намоён бўлди. Ушбу мусиқали томоша болажонлар кийинчиликларни муносиб тарзда енгиб ўтиш, спортда фаол бўлишга қўлларини кичикитойларга жуда манзур бўлди.

Тадбир якунида «Инсон» марказлари орқали болажонларга совғалар тарқатилиб, уларга байрамона кайфият улашилди. Бу каби байрам томошалари мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда. Улар тиббий, ижтимоий ҳолатидан қатъий назар, барча болажонларга бир дунё қувонч, завқ бағишламолар.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Саҳифаларда ўқинг...

ЎЗБЕКИСТОНДАН – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНГА...

2024 йилдаги **24** МУҲИМ ВОҚЕА

4-5 >>>

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ

2024 йилнинг МУҲИМ ВОҚЕАСИ

6-7 >>>



Ўзбекистон сузиш Федерацияси: ЙИЛ ЯКУНЛАРИ САРҲИСОБИ

Тадбирни Ўзбекистон сузиш Федерацияси раиси Қудратилла Рафиков олиб борди ва 2024 йил якунлари ҳамда келгусидаги режаларга тўхталди.

Федерация Бош котиби Руслан Мустаев, Сув спорти турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби директори Дилшод Мақсудов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидоги Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш бошқармаси бошлиғи Баҳодир Тожиёв ва бошқа масъуллар мавзу доирасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шундан сўнг Бош мураббийларнинг 2024 йилдаги фаолияти натижа-

лари, ўтказилган мусобакалар ва эришилган ютуқлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди. Федерация раиси сув спортини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун уларга миннатдорлик билдириб, халқаро мусобакаларда юқори натижаларга эришишида Федерация ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрлигини маълум қилди.

Учрашувда бўлажак мусобакалар ва Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриш, спортчиларга шугуллашни учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш каби қатор масалалар муҳокама этилди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Ўзбекистон сузиш Федерацияси раҳбарияти сув спорти бўйича мураббийлар штаби, Федерация мутасаддилари ва ходимлари, шунингдек, Сув спорти турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби масъуллари билан учрашди.



Тимур КУЧКАРОВ олган суратлар

Кенгашнинг IX Мажлисида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг 2024 йилдаги фаолияти якунлари ва 2025 йилдаги фаолиятининг устувор йўналишлари, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг X Қурултойини чақириш, Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш, уюшманинг Республика кенгаши аъзолари таркибига ўзгартириш киритиш каби масалалар кўриб чиқилди.

Маълумотларга кўра, Кенгаш томонидан 2024 йилда Солиқ кодекси, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги ва бошқа қонунларга ҳамда Президентимиз томонидан имзоланган фармон ва қарорларга, шунингдек, ҳукуматнинг 12 та қарори лойиҳасига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, ҳуқуқлари ҳимояси ва касаба уюшмалари фаолиятини ифода этувчи тақдирлар киритилди. Меҳнат соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати янада кучайтирилди. Меҳнат инспекцияси томонидан 52 та ташкилотда ўрганишлар амалга оширилди.

– Ўрганишлар якунлари бўйича иш берувчиларга жами 47 та кўрсатма киритилди, натижада меҳнат ҳуқуқи бузилган 171 нафар ходимга 658,2 миллион сўм зарар пули ундириб берилди, – деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари – Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши раиси Анваржон Абдумухторов. – Шунингдек, техник йўналиш бўйича йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида иш берувчилар томонидан 1 миллиард 232,7 миллион сўм сарфланди. Жисмоний ва юридик шахслардан тушган жами 8 мингдан ортиқ мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб иш берувчиларга киритилган 76 та тақдимноманинг 63 таси, судларга киритилган жами 44 та даъво ва буйруқ тартибдаги аризалардан 41 таси қаноатлантирилди. Кўриб чиқиш натижаларига кўра, 120 нафардан ортиқ шахсининг ҳуқуқлари тикланиб, ходимлар фойдасига 484,6 миллион сўм зарар ундирилишига эришилди. Мажлис жараёнида, шунингдек, Кен-

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг IX Мажлиси ҳамда Ижроия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.



гашнинг Ташкилий ишлар бўлими мудири Аҳмадилло Шокиров маъруза қилди. Унинг таъкидлашича, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва ижтимоий ҳамкор ташкилотлар ўртасида 41 та тармок жамоа келишуви амал қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан янги муддатта, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ўзбекистон Экологик партияси билан олиб борилган музокаралар натижасида илк мартаба тармок жамоа келишувлари тузилди.

2024 йилнинг март-апрель ойларида тармок тизимидаги 2777 та корхона, ташкилот ва муассасанинг 2758 таси (99,3 фоизи)да жамоа шартномалари бажарилгани якунлари бағишланган умумий йиғилиш (конференция)лар юқори савияда ташкил этилди. Бундан ташқари, меҳнатни муҳофаза қилиш йўналиши бўйича жамоа шартномаларида кўзда тутилган жами 50 минг 29 та тадбирни амалга оширишга 24 миллиард 694 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

2024 йил давомида корхона, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшмаларига аъзолик афзалликларини тушунтириш ва тарғибот қилиш соҳасида олиб борилган ишлар натижасида 1682 та корхона ва ташкилотлардаги 126 минг 520 нафар ходим касаба уюшмаси аъзолигига жалб этилди. Яна бир гап. Сўнгги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан мамлакатимизда касаба уюшмалари фаолиятининг тарихини ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Мажлисида Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги тўғрисида Федерация раиси маслаҳатчиси Ҳаётжон Шарипов маъруза қилди.

Мажлисида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида, шунингдек, тизимдаги барча куйи касаба уюшма ташкилотларида Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигини кенг нишонлаш, мазкур юбилей санасини кенг жамоатчиликка етказиш учун тизимли тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш 2025 йилдаги фаолиятнинг устувор вазифалари-

дан бири этиб белгиланди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитасининг йиғилишида эса «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури» ижросини таъминлашга кўмаклашиш бўйича Кенгаш дастурининг 2024 йилда бажарилши, Кенгаш Ижроия қўмитасининг 2024 йил 9 февралдаги 6-8 «с»-сонли қарори ижроси юзасидан амалга оширилган жамоатчилик назорати якунлари таҳлил қилинди. Шунингдек, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, Ижроия қўмита йиғилишлари оралигида қабул қилинган қарорларни тасдиқлаш каби масалалар кўриб чиқилиб, масъулларнинг ахбороти тингланди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ғулмужон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

Фаргона вилояти ҳокимлигида «Аёллар дафтари»нинг 5-босқичи доирасида амалга оширилган ишлар якуни ҳамда 2025 йилдаги вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

ОЛТИНЧИ БОСҚИЧ ОЛДИДАН

Унда вилоят касаба уюшма фаоллари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари, бошқарма, ташкилот ва корхона раҳбарлари иштирок этилди.

Йиғилишда «Аёллар дафтари» тизимининг 5-босқичи доирасида 2024 йил давомида вилоятда амалга оширилган ишлар ҳамда 2025 йилдаги вазифалар муҳокама қилинди.

«Аёллар дафтари»нинг 5-босқичи доирасида 800 мингдан ортиқ 30 ёшдан юқори бўлган хотин-қиз ўрнатасида анкета-сўровномалар асосида хатлов ишлари амалга оширилди. Хатлов якунларига кўра, 6 та тоифа бўйича 109 минг 506 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилди. Уларнинг ҳаётда муносиб ўринларини топиб, доимий даромадга эга бўлишлари учун амалий кўмак кўрсатилди.

Йиғилишда 2025 йилдан «Аёллар дафтари»нинг 6-босқичи бошланиши маълум қилиниб, аниқ вазифалар белгилан берилди. Янги йилдан «Маҳалла еттичилиги» секторлар ишчи гуруҳлари билан биргаликда анкета-сўровнома асосида хотин-қизларнинг барча йўналишдаги муаммоларини уйма-уй юриб ўрганади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясидан Фаргона вилоятига бириктирилган вакил – вилоят штаби раҳбари Абдуғаффор Салихов бу борадаги вазифалар ҳақида сўз юритди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»





ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ БИЛАН 2027 ЙИЛ ХАЛҚАРО БАРҚАРОР ВА ЯШОВЧАН ТУРИЗМ ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

26 февраль куни Нью-Йорк шаҳридаги БМТ бош қароргоҳида Ташкилот Бош Ассамблеяси томонидан «2027 йил – Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили» резолюцияси бир овоздан маъқулланди.

Хужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йилнинг октябрида Самарқандда бўлиб ўтган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида туризм соҳасининг янги муаммолар ва замонавий хатарлар олдида барқарорлиги ва мослашувчанлиги борасида билдирган фикрларга асосланган.

МУСТАҲҚАМ ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИК, ОҒЗИБИРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК КЎПРИГИ

29 февраль куни Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида янги кўприк очилди.

Кўприкнинг узунлиги – 423 метр. У билан бирга Шовот-Қораўзак бекатларини боғлайдиган 85 километрлик темир йўл ҳамда 3 та вокзал ҳам барпо этилди.

Кўприк икки тарафга қараб 24 жуфт поездни ўтказиш имкониятига эга бўлиб, бу орқали темир йўл масофаси 180 километрга, юк ташиш тезлиги эса 6 соатгача қисқарди.



ЮКСАК ЭЪТИРОФ



**Антониу Гутерриш,
БМТ Бош қотиби:**

– Президент Шавкат Мирзиёевни минтақадаги кўприк ўрнатувчи ташаббускор, тинчлик элчиси, десам муболага бўлмайди. Айни вақтда адолатга асосланган фаровонликни ташкил қилиши ва уни ўрнатиш бўйича жуда фаол иш олиб бормоқда.

30 июнь – 1 июль кунларида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Антониу Гутерриш расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

ШАМОЛДАН НУР ВА ҲУЗУР

19 август куни Қорақалпоғистон Республикасида шамол электр станциялари қурилиши бошланди.

Биринчиси – Хитойнинг «Sany Renewable» компанияси томонидан Қўнғирот туманида қуриладиган қиймати 1 миллиард 200 миллион долларлик, 1 гигаваатт қувватли шамол электр станцияси. Иккинчиси – Саудия Арабистонининг «ACWA Power» компанияси билан ҳамкорликда Беруний ва Қораўзак туманларида ташкил этиладиган қиймати 250 миллион долларлик 100 мегаватт электр энергиясини сақлаш тизимига эга 200 мегаватт қувватли шамол электр станцияси.

Шунингдек, Қўнғирот туманида шамол турбинаси қисмлари, миноралари ва паррақларини ишлаб чиқариш бўйича корхоналар қурилиши ҳам бошланди. Бундан ташқари, Нукус туманида 24 миллион доллар инвестиция ҳисобига йилга 20 миллион дона иситиш радиаторлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Шу куни давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, янги иншоотларнинг қурилиши ва фаолиятини бошлаб берди.



ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТУРКИЯНИНГ ОЛИЙ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

7 июнь куни Анкара шаҳрига ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни «Туркия Республикаси нишони» билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Қардош мамлакатнинг олий давлат мукофотини Ўзбекистон етакчисига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган тантанали равишда топширди.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ФАҲРИЙ НИШОНИ

9 август куни Қозғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат учрашуви доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга минтақа давлатлари ўртасидаги дўстлик, қўшничилик ва ўзаро англашувни ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Фахрий нишонини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.



НАВОИЙ ДАҲОСИГА ЭЪТИРОМ



8 август куни Остона шаҳрида ўзбек халқининг буюк фарзанди, шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали очилди.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА ҚОЗОҒИСТОННИНГ «ОЛТИН ҚИРОН» ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

8 август куни Остона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Қозғистон Республикасининг «Олтин Қирон» («Олтин бургут») ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«Олтин Қирон» олий ордени билан давлат арбоблари Қозғистон билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун тақдирланади.



BYD ЗАВОДИДАН ИЛК ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР

Жиззах вилоятидаги «BYD Uzbekistan Factory» қўшма корхонасида илк электромобиллар ишлаб чиқарила бошланди. Президент Шавкат Мирзиёев 27 июнь куни ушбу инновацион заводни келиб кўрди.

Бу – мамлакатимиз автосаноатида янги босқич, улкан тарихий воқеа. Мазкур завод шу йил январда давлатимиз раҳбарининг Хитойга ташрифи чоғида фаолият бошлаган эди. Бу қиймати 160 миллион долларлик лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, йилига 50 минг дона электромобил ишлаб чиқариш қувватига эга.



ЗОМИН ДУНЁ НИГОҲИДА



Жиззах вилоятининг Зомин туманида 27-30 июнь кунлари II Халқаро мақом санъати анжумани бўлиб ўтди.

Фестивалда Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Африка қитъаларининг 80 дан орტიқ мамлакатидан қарийб 400 нафар меҳмон иштирок этди.

«ОҚҚУШ» ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИДА

Нукус шаҳридаги «Оққуш» мажмуасида жойлашган ўтов дунёдаги энг катта ўтов сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. Унинг диаметри 40,5 метрни ташкил қилади.

22 август куни ушбу мажмуада Гиннес рекордлар китоби сертификатининг тантанали топшириш маросими ўтказилди.



УЛУҒ ИЖОДКОРГА МУНОСИБ ЁДГОРЛИК

16 май куни Тошкент шаҳрида миллий эстрада санъати асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳайкали очилди.

Янги Ўзбекистонга...

24 МУҲИМ ВОҚЕА

ТУРКМАН ХАЛҚИНИНГ ЭҲТИРОМИ



12 октябрь куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган медал билан тақдирланди.

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов давлатимиз раҳбарига «Махтумқули Фироғийнинг 300 йиллиги» эсдалки медалини тантанали равишда топширди.



ХАЛҚА ЙЎЛИДАГИ БУНЁДКОРЛИКЛАР

Тошкент халқа йўлининг Мирзо Улуғбек туманидан ўтган қисмида муҳим бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Бу йўл пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг бир неча туманларини боғлайди. Сўнгги йилларда катнов сезиларли ортди. Шуларни инобатга олиб, бу ерда замонавий транспорт ечими қўлланилди. Кўчанинг Буюк ипак йўли билан кесинмасида йиғма темир конструкцияли йўл ўтказгич қурилди. Кўча бўйларига электрон шаклда бошқариладиган тунги ёритиш тизими, акли светофорлар ўрнатилди. Ўн учта бекат қурилди. Худуд кўкаламзорлаштирилиб, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

МАМЛАКАТ ТАРИХИДА ИЛК БОР АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ

27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бўлиб ўтди. Парламент сайлови мамлакат тарихида илк бор аралаш сайлов тизими – мажоритар ва пропорционал сайлов тизими асосида ўтказилди.



«ДЎСТЛИК» – ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ УЧУН

24 октябрь куни Қозон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Татаристон Республикасининг давлат мукофоти – «Дўстлик» ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Президентимиз ушбу ордени билан Ўзбекистон ва Татаристон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, халқлар ўртасида дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун мукофотланди.




ЎЗБЕКИСТОНЛИК АЁЛ ДУНЁНИНГ «100 НАФАР АЁЛИ» РЎЙХАТИГА КИРДИ

ВВС 2024 йил учун дунёнинг 100 нафар илҳомлантирувчи ва таъсирли аёллар рўйхатини эълон қилди. Улар орасида тинчлик бўйича Нобель мукофоти совриндори Надя Мурад, актриса Шэрон Стоун ва ўзбекистонлик тадбиркор Дилором Йўлдошева бор эди.

13 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев фармони билан Сурхондарё вилояти Денов туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор, тикувчи Дилором Юлдашева «Мардлик» ордени билан мукофотланди.

ОЗАРБАЙЖОНДА «ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ФЕНОМЕНИ» КИТОБИ ЧОП ЭТИЛДИ



13 ноябрь куни Боку шаҳрида Президентимиз Шавкат Мирзиёевга озарбайжонлик адабиётшунос ва шоир Акиф Бағиров ўзи озарбайжон тилида тайёрлаган «Шавкат Мирзиёев феномени» китобини тақдим этди.

Китобдан сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг «Менинг Президентим» ва «Миллатпарвар» китобларидан саралаб олинган, шоир томонидан озарбайжон тилига таржима қилинган публицистик эсселар ўрин олган. У давлатимиз раҳбари бошчилигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган асосий ислохот ва ўзгаришларга бағишланган.

2 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК 9 ТА ЛОЙИҲА

14 октябрь куни Янгийўл туманида Тошкент вилоятидаги муҳим лойиҳаларни ишга тушириш ва қурилишини бошлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда Президент Шавкат Мирзиёев маросим доирасидаги лойиҳаларнинг аҳамиятига тўхталиб ўтди.

Рамзий тугма босилиб, мазкур 9 та лойиҳанинг қурилиши ва фаолиятига старт берилди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард доллардир.

ХАЛҚ ҲАРАКАТИГА АЙЛАНГАН ТАШАББУС

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан уч йил аввал бошланган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси чинакам халқ ҳаракатига айланди.

Кейинги 3 йилда мамлакатимиз бўйича жами 646 миллион туپ кўчат ва буталар экилган. Оролбўйида яшил қоплама 2 миллион гектардан ошган.



ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ТАРИХИЙ ВОҚЕА

Пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокида энергетика соҳасида янги қувватларни ишга тушириш ва навбатдаги лойиҳалар қурилишига старт бериш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда қиймати 3,7 миллиард долларлик 18 та янги қувватлар ишга туширилиб, навбатдаги 6 та лойиҳа қурилишига старт берилди.

Хусусан, Бухоро, Навоий, Наманган ва Тошкент вилоятларида бешта кўш ва шамол электр станцияси ҳамда бешта юқори қувватли подстанция ишга туширилди. Шунингдек, мамлакатимизда илк бор Андижон ва Фарғонада йирик электр энергиясини сақлаш тизими барпо этилди.

Қашқадарёда электр станцияси, Тошкент шаҳрида замонавий когенерация қурилмаси, Андижон, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида гўртта кичик ГЭС фойдаланишга топширилди.

Фарғона, Самарқанд, Навоий, Тошкент вилоятлари ва пойтахтимизда 2,5 минг мегаваттлик олти электр қувватлари қурилиши бошланди.



ОЛИМПИАДАДАГИ ТАРИХИЙ НАТИЖАЛАР



Ўзбекистон спорт делегацияси 26 июль – 1 август кунлари Франция пойтахти Парижда бўлиб ўтган ёзи Олимпиада ўйинларида тарихий натижага эришди. Умумий ҳисобда 13 та (8 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза) медални қўлга киритган юртдошларимиз нуфузли халқаро мусобақада катнашган 206 та мамлакат вакиллари орасида 13-ўринни эгаллади. Бу – Осиё қитъасида туртинчи, МДХ давлатлари, Ислом олами ва туркий дунё мамлакатлари орасида эса энг яхши натижа бўлди.

28 август – 8 сентябрь кунлари бўлиб ўтган «Париж – 2024» Паралимпия ўйинларида эса 168 та мамлакатдан 4,4 минг нафар параспортчи спортнинг 22 та тури бўйича баҳс олиб борди. Унда Ўзбекистондан 9 та спорт тури бўйича 65 нафар спортчимиз иштирок этди.

Мазкур мусобақада Ўзбекистон ўз тарихида энг яхши натижани қайд этди, 6 та спорт туридан жами 26 та, жумладан, 10 та олтин, 9 та кумуш, 7 та бронза медални қўлга киритди.



САМАРҚАНДДА ЯНА ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ ЯНГРАДИ

26-30 август кунлари Самарқандда «Шарқ тароналари» XIII халқаро мусика фестивали бўлиб ўтди.

Унда 80 га яқин давлатдан 400 нафардан зиёд санъаткор ва олимлар катнашди.

«ХИТОЙ – ҚИРГИЗИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН» ТЕМИР ЙЎЛ МАГИСТРАЛИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

27 декабрь куни Қирғизистоннинг Жалолобод шаҳрида «Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» темир йўл магистралли қурилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ушбу йирик инфратузилма лойиҳаси юқори экологик меъёрларга риоя қилган ҳолда, илгор муҳандислик, инновацион ва рақамли ечимлар асосида кенг ҳамкорликни назарда тутди. «Қашқар – Торуғарт – Макмал – Жалолобод – Андижон» йўналиши бўйлаб 20 та бекат, 42 та кўприк ва 25 та туннель қурилади. Бунинг устига, замонавий транзит-логистика инфратузилмаси, омборхона ва терминаллар барпо этилади. Хитойдан Европа мамлакатларига юкларни етказиб бериш масофаси ва муддатлари бир неча минг километрга ва қарий бир ҳафтага қисқаради. Мунтазам йўловчи ташишни йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлади. Келажакда ушбу темир йўл линияси ва Трансафғон йўлининг туташтирилиши Хитой, Марказий ва Жанубий Осиёнинг транспорт-коммуникация алоқадорлигини самарали боғлаш ва мустаҳкамлаш имконини беради.





2024 йил мамлакатимиздаги бошқа соҳалар каби Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси учун ҳам муҳим ўзгаришлар, ютуқлар, тарихий воқеаларга бой бўлди. Қуйида «Ishonch» газетаси улардан энг муҳим деб топган 24 тасини кўрсатишга ҳаракат қилди.

Муҳташам сув спорти саройи



Президент Шавкат Мирзиёев 7 июнь куни пойтахтимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш асносида Яккасарой туманида қад ростлаган Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Сув спорти саройига ташриф буюрди. Мажмуадаги шарт-шароитларни кўздан кечириб, ёш спортчиларнинг машғулотларини кузатди. Самимий мулоқотларда уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаб, улкан ютуқларга руҳлангирди.

«Vatan»

журнали наشر этила бошлади

2024 йилда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси муассислигидаги «Vatan» журнали наشر этила бошлади. Йил давомида унинг тўртта сони чоп этилиб, кенг жамоатчилик ва зиёндар эътирофига сазовор бўлди.



ЯНГИ ЯНГИ ҚАСАБА

2024

Жильбер Унгбо:

Ўзбекистон ижтимоий меҳнат муносабатларида юқори натижаларга эришмоқда



Июль ойининг бошида пойтахтимиздаги Қасаба уюшмалари саройида мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Халқаро Меҳнат Ташкилоти бош директори Жильбер Унгбо бошчилигидаги делегация билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти учрашуви бўлиб ўтди.

Унда ушбу ташриф Ўзбекистон билан Халқаро Меҳнат Ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон – Қирғизистон қасаба уюшмалари: икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида битим

23 декабрь куни Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Қирғизистон қасаба уюшмалари Федерацияси раҳбариятлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Қирғизистон қасаба уюшмалари ўртасида икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.



Янги ижтимоий шартнома: Европа ва Марказий Осиё қасаба уюшмалари нигоҳида

12-13 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги «Chinobod plaza» санаторийсининг Ўзбекистон қасаба уюшмалари Янги Конгресс холлида «Янги ижтимоий шартнома: Европа ва Марказий Осиё қасаба уюшмалари нигоҳида» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда минтақа қасаба уюшмалари учун умумий кун тартиби ва стратегия ишлаб чиқилиб, Тошкент халқаро конференцияси Резолюцияси қабул қилинди.

«Хонқа» санаторийси – соғломлаштириш имкониятларининг олтин ҳалқаси



Оролбўйи минтақасида яшовчи юртдошларимизга муносиб байрам тухфаси бўлди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тизимида яна бир янги санаторий фойдаланишга топширилди. Хоразм вилоятининг Хонқа туманида жаҳон андозаларига мос, замонавий «Хонқа» санаторийси барпо этилди. Ушбу муазам соғломлаштириш маскани мустақиллигининг 33 йиллиги олдида халқимизга, хусусан,

2024 йилда жамоа шартномаларидаги ўзгаришлар туфайли 1 млн. дан ортиқ ходимнинг иш ҳақлари оширилди

Жамоа шартномаларига киритилган қўшимча имтиёз ва кафолатлар натижасида 24 мингдан зиёд корхона ва ташкилотларда қарийб 1,1 млн. нафар ходимнинг иш ҳақлари оширилиб, 2,5 млн. нафардан зиёд ходим асосий узайтирилган, 3,5 млн. нафардан ортиқ ходим эса йиллик қўшимча таътиллardan фойдаланмоқда.



«Кўҳинур» янада кўркамлашди

Баҳорнинг илк ойи сўнггида Қуйи Чирчиқ туманидаги «Кўҳинур» санаторийсида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан бунёд этилган, 180 ўринли маданий-маърифий тадбирларга мўлжалланган фаоллар зали ва ёпик сув ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

Умуммиллий ҳаракатга айланаётган эзгу ташаббус

17 сентябрь куни Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ва «Нуруний» жамғармаси Васийлик Кенгаши қўшма йиғилиш ўтказди ва мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишларга барча юртдошларимизни даъват этиб, муружаат билан чиқди.

Бош кенгаш мажлиси: устувор вазифалар белгилаб олинди

21 декабрь куни Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгашининг IX мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2025 йилда қасаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот сайловларни ўтказиш, IX қурултойни чақириш ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигини нишонлаш каби бир қатор масалалар кўриб чиқилиб, йил давомида бажариладиган устувор вазифалар белгилаб берилди.



Халқаро Меҳнат Ташкилоти дастури асосида: Гендерга оид аудит амалиёти бўйича координаторлар ўқуви

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан биргаликда «ХМТ дастури: Гендерга оид аудит ўтказиш бўйича координаторларни сертификациялаш курси»да амалга оширилган таълим олиш лойиҳаси доирасидаги онлайн курсда Федерация тизимида фаолият олиб бораётган 10 нафар ходим ўз билимларини оширди.



Оқланган ишонч

2024 йилда Қасаба уюшмалари инспекциялари томонидан 106 минг муружаатчининг ҳуқуқлари тикланди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ

Уюшмалари

ЙИЛНИНГ

МУЖИМ ВОКЕАСИ

Ўзбекистон – Хитой касаба уюшмалари: ҳамкорликнинг янги уфқлари

Мамлакатимизда Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси вакиллари билан иборат делегация меҳмон бўлди. 2024 йил 8 октябрь кунини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ҳамда Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ўртасида учрашув бўлиб ўтди.



«Анор»да дўстлик сменаси

Москвадаги Stocus City Hall концерт мажмуасида содир этилган терактдан жабрланган оилаларнинг 100 нафар фарзанди ёзги таътилни юртимиздаги оромгоҳда ўтказди.

Соғломлаштириш оромгоҳлари: тажриба, амалиёт ва ҳамкорлик

Наврўз байрами арафасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг масъул вакиллари Хитой Халқ Республикасининг Пекин шаҳрида ўтказилаётган болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш соҳасини ривожлантиришга бағишланган Халқаро форумда иштирок этди.



БМТ координатори мамлакатимизда

Сентябрь ойида Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий координатори Сабина Махл ўртасида учрашув бўлиб ўтди.



Ҳамкорлик янада кенгайди

2024 йил 27 ноябрь кунини Душанбе шаҳрида Марказий Осиё давлатлари касаба уюшмалари Кенгашининг VI йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ишчи-ходимларни ҳимоя қилиш ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди. Учрашувда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва минтақанинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида мазкур Кенгаши Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Халқаро Конфедерациясига айлантириш ташаббуси илгари сурилди.



«Янгиер»да янги иншоот

Янгиер шаҳридаги «Янгиер» сихатгоҳида бу галги Наврўз байрами ўзгача бўлди. Бонси, айнан шу кунини масканда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бунёд этилган ёпик сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди.



Дўстлик ришталари мустаҳкамланмоқда

Апрель ойида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Туркия Металлар иттифоқи касаба уюшмаси бош қотиби Талипхан Киймаз билан учрашув бўлиб ўтди.



Люк Триангл билан учрашув

28 октябрь кунини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси Бош қотиби Люк Триангл раҳбарлигидаги делегация вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.




Ўзбекистон тажрибасини дунёга намуна сифатида кўрсатиш мумкин



Июль ойида пойтахтимизда «Бандлик ва ижтимоий ҳимояни уйғунлаштириш орқали Ўзбекистонда ижтимоий адолат таъминлашни мустаҳкамлаш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Мавсум қандай ўтди?

2024 йилги соғломлаштириш давомида 1 413 та оромгоҳда қарийб 375 минг нафар, шу жумладан, 1 223 та соғломлаштириш майдончасида 212 минг нафардан зиёд, 190 та стационар оромгоҳда 162 минг 462 нафар, Федерация тасарруфидаги 77 та стационар оромгоҳда 76 минг 278 нафар бола соғломлаштирилди.



Ҳайрат, қувонч, шуқуҳ

Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари кунини муносабати билан тантанали тадбир ташкил этилди.



Тикланган ҳуқуқлар

2024 йилда Касаба уюшмалари инспекциялари томонидан 4 минг 397 та ташкилотда жамоатчилик назорати ўтказилди. Келиб тушган 6 минг 105 та мурожаат кўриб чиқилди. Натижада 160 минг 19 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланиб, ходимлар фойдасига 108 миллиард 533 миллион сўм ундирилди.

15 000 000

аҳолини ўйланттирган муаммога ечим бўлган қонун

2024 йил 5 августда давлатимиз раҳбари «Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида»ги қонунни имзолади.

Очиги, ушбу ҳужжат кўпдан буён кутулаётган эди. Чунки у — ўн беш миллион нафар фуқаронинг тақдирини билан бевосита боғлиқ масала. Икки йил олдин эълон қилинган расмий статистикага кўра, 2 миллион 600 мингтадан ортиқ (ўрганишларга кўра, аynи пайтда 3 миллион 600 тадан ортиқ) хонадон эгалари ҳам энди уй-жойини кенгайтириш ёки оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ипотека кредити, субсидия каби имтиёزلардан бемалол фойдалана оlishади.

Мухтасар айтганда, одамларнинг яна бир муаммоси қонуний ҳал этиладиган бўлди.

Албатта, бундан кўпчилик юртдошларимиз хабардор. Ҳўш, бу жараёнлар қай тартибда амалга оширилади, унинг шарт ва талаблари қандай?

— Абдушукур Ҳамидович, суҳбатимиз аввалда қонун ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

— Аввало, шунини айтишим керак, охириги йилларда юртимизда амалга оширилаётган ҳар бир ислохот замирида инсон қадрини улуғлаш, бутундан рози бўлиб, эртанги кунига ишонч билан яшашини таъминлаш мақсади мўжассам. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббус билан илгари сурилаётган ва амалиётга татбиқ этилаётган ер ва кадастр соҳасида рўй бераётган муҳим ўзгаришлардан ҳам ана шу эзгу мақсад кўзланган. Аслида бу борадаги ишлар Шавкат Мирзиёев ҳокимият тепасига келган даврдан бошланган эди.

— Адашмасам, 2018 йилда эълон қилинган бир марталик давлат акциясини назарда тутаянсангиз...

— Ҳа, албатта. Ўшанда қанчадан-қанча аҳолининг кўп йиллардан бери ечиммай келаётган муаммоси ҳал этилган эди. Аynи шу акция орқали минглаб уй-жойларга кадастр ҳужжати расмийлаштирилди.

Ушбу қонун ана шу ишларнинг мантиқий давоми бўлди, десам, муболаға бўлмайди. Чунки бу муаммонинг кўлами шу қадар кенг ва катта эдики, уни биргина акция билан ҳал этишнинг имкони йўқ эди. Мамлакатимиз етакчиси бунини фақат қонун билан ҳал этиш кераклигини биз, мутасаддиларга тушунтирди ва топшириқ берди. Шун-



Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги директори ўринбосари Абдушукур Абдуллаев билан суҳбатимиз шу ва бошқа саволлар атрофида кечди.

дан сўнг уч йил мобайнида тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ҳужжатни тайёрладик.

Унинг бирламчи мақсади ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат. У 2024 йил 8 ноябрдан кучга кирди ва 2028 йил 1 январга қадар амал қилади.

— Ҳақиқатан ҳам, мазкур ҳужжатни кўпчилик ватандошларимиз интиқиб кутаётган эди. Бунини, айниқса, уй-жойининг ҳуқуқий ҳужжати йўқлигидан ҳадикда яшаётган фуқаролар жуда яхши ҳис қилишади. Мана шу ҳужжат билан уларнинг елкасидан тоғ ағдарилди. Насиб этса, энди уларнинг хавотирини арийдим.

— Тўғри айтдингиз. Аммо шу ўринда бир нарсани алоҳида изоҳлаб кетишни истардим. У ҳам бўлса, айни вақтда юртдошларимиз орасида тўғри «ўзбошимчилик билан ер участкасини эгаллаб олсам, қонун доирасида бемалол ҳужжатлаштириб оламан», деган нотўғри хаёлда юрганлар ҳам бор. Лекин бунинг иложи йўқ — қонун доирасида ҳар қанча ўзбошимчилик билан эгалланган ер ва мулкларга нисбатан ҳуқуқлар эътироф этилмайди. Бунда қатъий белгиланган талаблар бор, яъни мазкур ҳужжат 6 та боб ва 35 та моддадан иборат бўлиб, унда қуйидаги ер ва мулкларга нисбатан ҳуқуқлар эътироф этилиши белгиланган:

- 1) 2018 йил 1 май кунига қадар фуқаролар яқка тартибдаги уй-жой қурган ҳолда ўзбошимчилик билан эгалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;
- 2) 2018 йил 1 май кунига қадар фуқаролар ва ташкилотлар томонидан ҳужжатда кўрсатилган майдондан ортиқча эгалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;
- 3) «бир марталик акция» доирасида ҳуқуқларни эътироф этиш охирига етмаган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;
- 4) 2021 йил 8 июнга қадар туман (шаҳар) ҳокими қарори билан ажратилган, лекин вилоят ҳокими ёки халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланмаган ер участкаларига;
- 5) боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудидаги тураржойлар ҳамда улар эгалланган ер участкасига;
- 6) кичик саноат зоналарига 2020 йил 9 мартга қадар жойлаштирилган тадбиркорларнинг ер участкасига;
- 7) давлат ордери билан хусусийлаштирилган бинолар ва уйлар эгалланган ер участкасига;
- 8) ҳоким қарори билан мулк ҳуқуқи эътироф этилган бинолар ва уйлар эгалланган ер участкасига.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар қанча ўзбошимчилик билан эгалланган ер ва мулкларга нисбатан ҳуқуқлар эътироф этилмайди.

Шунингдек, ҳозир айримлар «Қурилиш мавжуд бўлса, эътироф этиларкан», деб бўш ерга тезроқ иморат қуриш пайида бўлишяпти. Аммо оғоҳлантиришимиз лозимки, қонунда бу ўринда 2018 йил 1 майга қадар қурилган объектлар кўзда тутилиши аниқ белгилаб қўйилган.

Демак, белгиланган даврдан кейин ўзбошимчилик билан қурилган иморатлар тегишли тартибда бартаф этилади ҳамда маъмурий ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан, фуқаролардан ўзбошимчилик билан ерларни эгалламаликни ва унга иморат қурмасликни сўраб қоламиз.

— Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни

эътироф этиш тўғрисида»ги қонунда асосан нималарга эътибор қаратилади?

- Унда ҳуқуқларни эътироф этишнинг асосий шартлари аниқ белгиланган. Масалан, кўчмас мулкни қонунийлаштириш учун улар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:
 - ер бошқа шахсга ажратилмаган ёки аукционга чиқарилмаган бўлиши;
 - ер участкасидан фойдаланишда низо мавжуд эмаслиги;
 - ер ва мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги;
 - муҳофаза зонасида, сўғориладиган ерда жойлашмаганлиги;
 - бош режа талабларига зид эмаслиги (мавжуд бўлса);
 - ҳар бир категорияга хос бошқа шартлар (инвестиция мажбурияти бажарилганлиги, ширкат аъзоси ҳисобланиши ва бошқалар).

— Ҳуқуқларни эътироф этиш тартиби ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— Жараёнлар ҳудудлар бўйича босқичма-босқич амалга оширилади. Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга тааллуқли маълумот ва ҳужжатларни келишиш Кадастр агентлигининг автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади. Бу тизимга 15 та ваколатли ташкилот ҳам тегишли маълумотларини киритади.

Тўпланган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва қонунийлиги вилоят Адлия бошқармаси томонидан текшириб чиқилади. Уларнинг натижалари маҳалла бурчаклари, Кадастр агентлигининг сайти орқали жамоатчиликка эълон қилинади. Ижобий ҳулоса қабул қилинган фуқароларга СМС-хабарнома юборилади. У асосида бир марталик тўловни амалга оширганларга ҳар чоракда Халқ депутатлари вилоят кенгаши қарори билан ҳуқуқлар эътироф этилади.

Қонунга кўра, яқка тартибдаги уй-жойлар эгалланган ерларга ижара ҳуқуқи қуйидаги ҳажмгача берилади:

- 1998 йил 1 июлгача эгалланган бўлса — 0,24 гектаргача;
- 1998 йил 1 июлдан 2018 йил 1 майга қадар эгалланган бўлса — Тошкент, Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида 0,06 гектар, қолган ҳудудларда 0,12 гектардан ошмаган ҳажмда.

Ушбу ҳажмдан ортиқча ерлар, агар низо бўлмаса, хонадон эгасига деҳқон хўжалиги ёки томорқа хўжалиги юритиш учун расмийлаштириб берилади.

— Ер ва биноларни қонунийлаштириш учун аҳолидан қанча тўлов ундирилади?


- Албатта, маблағ ундиришнинг ҳам белгиланган ўз тартиб ва меъёри бор. Унга биноан:
 - Тошкент шаҳрида — БХМнинг 5 баравари, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида — БХМнинг 3 баравари;
 - вилоятлар бўйсунувидаги бошқа шаҳарларда — БХМнинг 2 баравари;
 - бошқа аҳоли пунктларида — БХМнинг 1 баравари;
 - қолган ҳолларда бир марталик тўлов тегишли ҳудуддаги ўртача аукцион баҳоси миқдоридан тўланади.

Шунингдек, I ва II гуруҳ ноғиронлиги бор шахслар, 2018 йилдаги «бир марталик умумдавлат акцияси» доирасида йингиланган фуқаролар тўловдан озод қилинади. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига киритилган шахсларга эса 50 фоиз чегирма берилади.

Прокуратура, ички ишлар, агроинспекция, экология, кадастр органлари қонунни амалга оширишда давлат назоратини ўрнатади. Бундан ташқари, қонунда жамоатчилик назоратига алоҳида эътибор қаратилган, яъни халқ депутатлари туман кенгашларининг тегишли қарори асосида ҳар бир маҳаллада жамоатчилик гуруҳи ташкил этилади. Унинг таркибига маҳалла жойлашган оқрудан сайланган туман кенгаши депутати, маҳалла раиси ва фаол фуқаролар киритилади.

— Яқинда «Эътироф» автоматлаштирилган ахборот тизими ишлаб чиқилди. Унинг тақдироти ҳам ўтказилди. Шу ҳақда ҳам тўхталсангиз.

— Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш ахборот тизими — «ЭЪТИРОФ» ААТ дастури ишлаб чиқилди. Қонуннинг 14-моддасига асосан ваколатли ташкилотлардан тегишли маълумотларни ва ҳужжатларни ўзларининг ахборот тизимларидан «ЭЪТИРОФ» ААТга интеграция қилган ҳолда электрон равишда тақдим этилиши йўлга қўйилди. Дастур барча учун очик. Унда



УШБУ ҚОНУН АНА ШУ ИШЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ БЎЛДИ, ДЕСАМ, МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ. ЧУНКИ БУ МУАММОНИНГ КЎЛАМИ ШУ ҚАДАР КЕНГ ВА КАТТА ЭДИКИ, УНИ БИРГИНА АКЦИЯ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШНИНГ ИМКНИ ЙЎҚ ЭДИ. МАМЛАКАТИМИЗ ЕТАКЧИСИ БУНИ ФАҚАТ ҚОНУН БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ КЕРАКЛИГИНИ БИЗ, МУТАСАДДИЛАРГА ТУШУНТИРДИ ВА ТОПШИРИҚ БЕРДИ. ШУНДАН СЎНГ УЧ ЙИЛ МОБАЙНИДА ТЕГИШЛИ ВА-ЗИРЛИК ВА ИДОРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ҲУЖЖАТНИ ТАЙЁРЛАДИК.

тасдиқланган режа-график бўйича хатловдан ўтказилган маҳаллаларни кўриш имконияти бор. У хафсизлик қондаларига тўлиқ жавоб беради.

— Аynи вақтда ҳудудларда хатлов ишлари бошлаб юборилди. Жараён қандай кетяпти? Уни ҳолис ўтказиш учун қандай чоралар кўрилади?

— Кадастр агентлиги томонидан 2024-2025 йиллар учун тасдиқланган режа-жадвал асосида республикамизнинг 3 минг 878 та маҳалласида хатлов ишлари олиб борилиши кўзда тутилган ва мазкур жараён аллақачон бошлаб юборилди.

Ушбу йилларда қайси маҳаллалар хатлов қилиниши ҳақидаги маълумотни эса фуқароларимиз Кадастр агентлигининг Kadastr.uz расмий сайти орқали билишлари мумкин. Бунинг учун сайтга кириш ва экранда биринчи чиққан илованинг устига босиш kiffoя.

Хатловни шаффоф ўтказиш ҳамда содир бўлиши мумкин бўлган коррупция, тамағирлик ва фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилоқда. Шунга қарамай, айрим фирибгарлар ўзини кадастр ходими сифатида таништириб, хатлов қилиш баҳонасида аҳолидан пул сўраб юриганини ҳам эшитиб қоляпмиз.

Шу ўринда «Одамлар кадастр ходими ёки фирибгарни қандай ажратиб олишади? Бундай ҳолатга учраганлар қаерга мурожаат қилиши зарур?» деган ҳақли саволлар туғилиши табиий.

Масъул раҳбар сифатида бир нарсани қатъий таъкидламоқчиман. Кадастр ходими ҳеч қачон хатлов учун моддий манфаат кутмайди. Фирибгарлик ҳолатлари юзасидан эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиш керак.

Шундай экан, юртдошларимиздан хатлов жараёнига турли воситачиларни араслаштирмаслик, кадастр ходимларига «Тезлаштиринг, имконини қилиб беринг» деган турли важлар билан моддий манфаатдорликни таклиф қилмасликни сўраб қолган бўлардим.

Яна бир гап. Бу ишларнинг бошида шахсан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев турибди. Шундай экан, аҳолининг ташвишланишига ўрин йўқ. Ҳаммаси қонунда белгиланганидек, тегишли тартиб-қоидалар ва шартлар асосида амалга оширилади. Қисқаси, ушбу ҳужжатдан ким умидвор бўлиб турган бўлса (низоли ҳолатлар бундан мустасно), ҳаммасининг ҳужжати расмийлаштирилади. Бунга шубҳа йўқ.

— Мазмунли суҳбат ва керакли маълумотлар учун ташаккур.



Суҳбатни «ISHONCH» муҳбири Гуломжон МИРАХМЕДОВ уюштирди



ҚОНУНГА КЎРА, ЯҚКА ТАРТИБДАГИ УЙ-ЖОЙЛАР ЭГАЛЛАГАН ЕРЛАРГА ИЖАРА ҲУҚУҚИ ҚУЙИДАГИ ҲАЖМГАЧА БЕРИЛАДИ:

• 1998 йил 1 июлгача эгалланган бўлса — 0,24 гектаргача;

• 1998 йил 1 июлдан 2018 йил 1 майга қадар эгалланган бўлса — Тошкент, Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида 0,06 гектар, қолган ҳудудларда 0,12 гектардан ошмаган ҳажмда. УШБУ ҲАЖМДАН ОРТИҚЧА ЕРЛАР, АГАР НИЗО БЎЛМАСА, ХОНАДОН ЭГАСИГА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ЁКИ ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИ ЮРИТИШ УЧУН РАСМИЙЛАШТИРИБ БЕРИЛАДИ.

БИЗНИ БИРЛАШТИРГАН ҒАЛАБА

2024 йилда халқимиз учун эсда қоқарли ва муҳим воқеалар кўп бўлди. Улар орасида Париж олимпиадасида кўлга киритилган тарихий натижа халқимизга келтирган қувончли ҳиссиётлари, Ўзбекистоннинг дунёдаги нуфузиди янада юксалтиришдаги аҳамияти билан ажралиб туради.



Баходир ТОЖИБЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт соғлоштириши бошқармаси бошлиғи

Олимпиада бўлиб ўтган кунларни бир эсанг. Ижтимоий тармоқлар аввалига Дияра Келдиёрованын Кобе Абе устидан қозонган ғалабасидан фахрлини ёзилган олқишларга тўлиб кетди. Ундан кейин боқчиларимизнинг кетма-кет ғалабалари ушбу ҳиссиётларга янада жўшқинлик бағишлади. Ўзбек ўғлонлари Баходир Жалолов, Улуғбек Рашитов, Разамбек Жамалов, Ҳасанбой Дўсматов каби спортчиларимизнинг ота-оналарига бутун халқ минг-минг раҳматлар айтди.

Спортчиларимиз рақибини енгиб, шохсупага кўтарилганида ва мадҳиямиз жаранги остида «Ўзбекистон» деган кадрдон сўз янграганида, кўзларимиздан севинч ёшлари чиккани, калбимиздаги Ватан туйғуси бир поғона юксалгани ҳам ҳақиқат. Бу натижалар бутун халқимизни бирлаштирди, нафақат ўзимизнинг, балки атрофдаги қардош давлатлар, ҳатто дунё жамоатчилигининг ҳам ўзбек фарзандларининг иқтидори ва маҳоратига бўлган ишончини юксалтирди. Шу билан бирга, дунё жамоатчилигини иқтисоди юксалаётган Ўзбекистоннинг, минтақада Шавкат Мирзиёев олиб бораётган кучли сиёсатнинг ёрқин намунаси бўлди.



РАҚМЛАР ТАХЛЛИ ҚИЛИНГАНДА...

«**К**им нима деса, десин, бу ҒАЛАБА Янги Ўзбекистоннинг калби, гурури, ифтихорига айланган. Эътибор қилинг, кечагина «колониал», «постколониал» деб тепадан қараётган, номи халқро машваратларда шунчаки тил учиди айтиб кетилмаган мамлакатимиз жаҳонга ўзининг қимлигини кўрсатиб ва эслатиб қўйди», деб ёзади сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов ўзининг «Уйғонаётган арслон» сарлавҳали публицистик мақоласида.

Спортчи ёшларимиз 208 та давлат вакиллари қатнашган мусобақада юксак матонат, маҳорат ва ирода кўрсатиб, дунёда 13-, Осиёда 4-, туркий, мусулмон ва МДҲ давлатлари орасида 1-ўринни эгаллади. Бирйўла 3 нафар спортчимиз «икки қарра олимпия чемпиони» деган юксак номга сазовор бўлди. Бундан ташқари, Париж олимпиадаси мамлакатимиз учун бошқа олимпиада ўйинларида кузатилмаган янгиликлар билан ҳам ажралиб турди:

- ёнги Олимпиада ўйинларида тарихда илк бор ўзбекистонлик аёл спортчи (Дияра Келдиёрова) олтин медалга сазовор бўлди;
- эркаклар боксида 7 та вазн тоифасидан 5 тасида ўзбекистонликлар чемпион бўлди;
- илк бор дзюдочиларимиз 3 та, таэквондочиларимиз эса 2 та медални кўлга киритишди;
- ўзбек спортчи Париж олимпиадасида футбол, сувга сакраш, камондан отиш ва аёллар кураши бўйича дебют қилди.

28 август – 8 сентябрь кунлари бўлиб ўтган «Париж – 2024» паралимпия ўйинларида эса 168 та мамлакатдан 4,4 минг нафар параспортчи спортнинг 22 та тури бўйича баҳс олиб борди.

Унда Ўзбекистондан 9 та спорт тури бўйича 65 нафар спортчимиз иштирок этди.

Мазкур мусобақада Ўзбекистон ўз тарихида энг яхши натижани кайд этиб, 6 та спорт туридан жами 26 та, жумладан, 10 та олтин, 9 та кумуш, 7 та бронза медални кўлга киритди.

Бундан ташқари, баҳсларда Хусниддин Норбеков уч қарра, Шерзод Номозов ва Бобиржон Омоновлар икки қарра мутлак чемпион бўлишди. Сафия Бурхонова, Дониёр Солиев ва Муслима Одиловлар уч қарра совриндорлик бахтига эришди. Асила Мирзаёрова, Мохилул Ҳамдамова, Элбек Султонов, Учқун Қуранбаев, Довурхон Кароматов, Гулжаной Нанмова, Рўза Қўзиёва ва Сервер Ибрагимовлар икки қарра совриндор, Нурхон Қурбонова ҳамда Толиббой Юлдашев «Париж – 2024» паралимпия ўйинларининг мультимедиа медалистига (2 тадан медал) айланди.

СОВРИНДОРЛАР ОРАСИДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ СПОРТЧИСИ ҲАМ БОР

«**П**ариж – 2024» олимпиадасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги спорт мактабларида шугулланиб, маҳоратларини ошириб келаятган 13 нафар спортчимиз ҳам бўлгани бизнинг фахримиздир. Шу жумладан, 2 та оғир атлетика, 2 та байдарка ва каноеда эшак эшиш, 1 та сувга сакраш, 1 та академик эшак эшиш, 1 та енгил атлетика ва 6 та параканоеда эшак эшиш спорт турлари бўйича спортчиларимиз иштирок этдилар.

Улар орасида оғир атлетикачимиз Акбар

Жўраев 102 кг. вазн тоифасида кумуш медал совриндори бўлган бўлса, умидли ва ёш оғир атлетикачи қизимиз Турсуной Жааборова +81 кг. вазн тоифасидаги баҳсларда иштирок этиб, мусобакани 10-ўринда якулади. У совриндор бўлмаган бўлса-да, мазкур иштирок жуда катта тажриба мактаби бўлди. Икки қарра жаҳон чемпиони Акбар Жўраевнинг ҳам имкониятлари юқори ва келгуси олимпиадаларда ҳам ишончли оқлайди.

ИҚТИСОДИ ЮКСАЛАЁТГАН ХАЛҚИГА СПОРТ БИЛАН ҚИЗҚАДИ

Келинг, энди юқоридаги юксак натижаларга қандай эришилгани ҳақида ҳам икки оғиз тўхталасак. 2020 йилги Японияда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон 2016 йилдаги омадли юришини такрорлай олмагани. Эсингизда бўлса, спортчиларимиз Бразилияда бўлиб ўтган нуфузли мусобақада умумий натижалар бўйича дунё давлатлари орасида 21-ўринни эгаллаб, 4 йилдан сўнг Япониядаги мусобақада 32-ўрин билан қифоялангани. Айрим мутахассислар бунга «Биз Риодаги ютуқларимиздан кейин ўзимизни бўшаштириб юбордик», деб баҳолашди ва бундан жон бор, албатта. Шу билан бирга, охириги 5-6 йилга назар ташлаган одам, спорт соҳаси, жумладан, Олимпиада ўйинларида давлатимиз вакиллари иштирокчи шахсан Президент Шавкат Мирзиёевнинг назоратидаги масала бўлиб турганини осонгина англаб етади.

Шуни таъкидламоқчиманки, Олимпиада ўйинларида голиб бўладиган спортчиларни тар-

биялаш осон иш эмас, ниҳоятда мураккаб. Аввало, спортчилар учун эътибор ва қўллаб-қувватлов юқори даражада бўлиши, зарур шароитлар яратиб берилиши керак.

Эътибор берсангиз, Париж Олимпиадасида дастлабки 10 таллик кирган давлатларнинг барчаси дунё иқтисодиётида ҳам мустаҳкам ўринга эга: АКШ, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Германия, Франция, Нидерландия, Буюк Британия... Уларнинг спортчилари юқори натижа кўрсатаётгани тасодифми? Йўқ, асло! Бу иқтисоди кучли давлатларнинг ўз спортчиларига ҳам керакли ва зарур эътибор қаратаётгани, шароитлар яратиб бераётгани натижасидир. Ўзбекистон ҳам ана шу йўлдан бормоқда. Аввало, охириги 5-6 йил ичида мамлакатимизда ёшлар спортини, жисмоний маданиятни ривожлантириш мақсадида 100 га яқин қарор ва фармонлар қабул қилиниши орқали соҳанинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида 100 та муҳим мақсадлар белгиланган бўлса, уларнинг бири Олимпиада ва Паралимпия ўйинларидаги иштирокчи ривожлантириш, иқтисодий ҳалқимизнинг жисмоний маданиятини шакллантириш масаласидир. Бундан ташқари, 2021 йилда давлат раҳбари олимпиадага тайёргарлик ҳақида тўхталар экан, Парижда медаллар бўйича етакчи 15 та мамлакат қаторидан жой олиш учун ҳамма имкониятлар борлигини кайд этганди. Бу спортчиларимиз учун қўзланган марра баланд бўлишини аниқлаганди ва ҳаракат ҳам, натижалар ҳам шунга яраша бўлди.

Узукка бормайлик, 2024 йилининг декабрь

ойида ҳам спортга оид иккита, ноябрь ойида эса битта республика миқёсидаги меъёрий ҳужжат қабул қилинди. Бу билан Ўзбекистон олиб бораётган ҳар томонлама кучли сиёсати ортидан том маънода иқтисодий жиҳатдан ривожланишга эришаётганини, натижада спортга ҳам улкан эътибор қаратаётганини исботлади.


ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Бугун катта тажриба тўплаган Ўзбекистон спортчилари олдида яна улкан марра турирди. Бу – 2028 йили Лос-Анжелесда бўлиб ўтадиган навбатдаги Олимпиадада кучли ўнналикдан жой олиш. Ўта мураккаб, аммо бор куч ва имкониятимизни ишга солиш, бу маррани ҳам забт этишга шубҳа йўқ. Шундай экан, навбатдаги Олимпия ўйинларида хозирданок жиддий тайёргарликни бошлаш, халқро даражадаги мусобақада қатнашишга муносиб спортчиларни саралаб, улар билан қандай ишлаш режасини тузиш лозим. Шу билан биргаликда, ҳар бир йўналишда дунёдаги энг кучли спортчиларнинг услуби, тактикасини ҳам диққат билан ўрганиб, кузатиб бориш керак.

Биз ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабида аллақачон тайёргарликни бошлаб юборганмиз. Спортчиларимизга охириги юксак натижаларга маҳлиё бўлиб қолмасликни, тинимсиз шугулланиш зарурлигини уқтираймиз.

Зеро, спорт ҳатоларни кечирмайди. У тинимсиз меҳнатни, етуқликни талаб қилади.

Сизга тавсия этамиз!



«ISHONCH»
МЕНИ ҲАЙРАТЛАНТИРДИ»

«Ishonch»нинг Telegram даги саҳифаларини кузатиб боринг

Эълонлар

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2022 йил 12 январда 910-сон билан рўйхатдан ўтган «Уқитувчилар ассоциацияси» жамоат бирлашмаси Тошкент шаҳар бўлимининг иш фаолияти тугатилаётгани маълум қилинади.

«MASTER CAR WASH» МЧЖ (СТИР: 302 008 310) устав жамғармаси 1 053 013 783 сўм 92 тийиндан 642 638 598 сўм 12 тийинга камайитирилаётганлигини маълум қилади.


Кредиторларнинг талаби Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яш-нобод тумани, М.Ашрафий кўчаси, 103 «А»-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан Абдухалипова Ойдин Ералиевна номига берилган №432552 рақамли гувоҳнома йўқолиши сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Учтепа туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус марҳума (2024 йил 15 июль куни вафот этган) Антонова Надежда Геннадьевнанинг мол-мулкига мерос иши олиб борилаётганлигини маълум қилади. Ушбу иш бўйича меросхўрлар Тошкент шаҳар Учтепа туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ташев Хобиб Хакимовичнинг нотариал идорасига мувожаат қилишлари сўралади. Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 26-қават, 1Б-уй.

Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Фаргона вилояти бирлашган кўмитаси жамоаси Ўзбекистон халқ артисти

Шафоат РАҲМАТУЛЛАЕВА
вафот этгани муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.



ТОШКЕНТ МЕТРОСИНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

янги йўналишлар, янги бекатлар, замонавий эскалаторлар, ҳар томонлама қулай ҳаракат

Достонжон ЭРГАШЕВ,
«Тошкент метрополитени» ДУК
бошлиғи ўринбосари

Кўпчиликка маълумки, Тошкент метрополитени 1977 йилда фойдаланишга топширилган. Бугун у буткул ўзгарган. Яъни эстакада услубидаги янги йўналишлар, янги бекатлар, замонавий эскалаторлар, ҳар томонлама қулай ҳаракат таркиблари – Тошкент метросини янги қиёфага келтирди.

Илгари, аниқроғи, 40 йил мобайнида Тошкент метрополитенининг бекатлари сони 29 та ва умумий узунлиги 38 километрдан иборат бўлган. Шуниси эътиборлики, кейинги олти йил давомида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Натижада қўшимча 33 километрлик янги йўналишлар ва 21 та бекат қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бугун метрополитен бекатлари сони жами 50 тани, йўналишлари узунлиги эса 71 километрни ташкил этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сони ва сифати йилдан-йилга ошиб бормоқда. Агар 2016 йилда 52 миллион нафар аҳолига хизмат кўрсатилган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 172 миллионни ташкил этди. Яқунлабганган 2024 йилда эса 209 миллион нафар йўловчига хизмат кўрсатиш кутилмоқда. 2021 йилда бир кунда 280-300 минг йўловчига хизмат кўрсатилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 950-980 минг ва айни кунларда 1 миллионга етди.

Йўловчилар сони кўпайиши тирбандликлар пайдо қилиши мумкин, албатта. Бунинг олдини олиш ва йўловчиларнинг манзилга етиб бориш вақтларини қисқартириш мақсадида сўнгги уч йилда ҳаракат таркибларининг йўловчи ташиш бўйича оралик вақти (интервал) қисқартирилди. Жумладан:

Тошкент метрополитенида 2021 йилгача 36 та поезд ҳаракатланган бўлса, кейинги уч йил давомида замонавий турдаги 29 та янги ҳаракат таркиблари харид қилинди. Натижада 2024 йилда поездлар сони 65 тага етказилди.

2025-2026 йилларда яна 26 та ҳаракат таркиблари харид қилиниши кўзда тутилган. Кўзланган мақсадга эришилгач, поездларнинг оралик вақтлари янада қисқартириш режалаштирилган.

Янги бекатларнинг ишга туширилиши ўз-ўзидан метрополитен ходимлари сонини кўпайтиришни талаб этади. Шунга кўра, кейинги уч йил мобайнида Тошкент метрополитени таркибий бўлинмаларига жами 4000 нафарга яқин ходим ишга қабул қилинди. Ҳозир уларнинг умумий сони 6000 нафардан ортик.

Қайд этиш керакки, сўнгги пайтларда йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланиб, улар учун бир қатор қулайликлар яратилмоқда. Жумладан, ер ости бекатларида техник жихатдан эскирган эскалаторлар янгисига алмаштирилмоқда. Бу ишлар «Халқлар дўстлиги» ва «Новза» бекатларида муваффақиятли

МУҚОЯСА

Йўналишлар	2021 йил	2024 йил
Чилонзор йўналиши	5 дақиқада (16 та поезд)	1,5 дақиқада (28 та поезд)
Ўзбекистон йўналиши	6 дақиқада (9 та поезд)	3 дақиқада (16 та поезд)
Юнусобод йўналиши	11 дақиқада (6 та поезд)	4 дақиқада (11 та поезд)
Ўзбекистон Мустақиллигининг 30 йиллиги ер усти ҳалқа йўналиши	12 дақиқада (5 та поезд)	9 дақиқада (11 та поезд)

амалга оширилди. «Пахтакор», «Мустақиллик майдони» ва Ҳамид Олимжон бекатларида эса ишлар давом эттирилмоқда. Бундан ташқари, бешта бекатда иккинчи вестибулни очиш учун техник ишлар олиб борилмоқда. Метрода йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бекатларнинг кириш нукталарида Ички ишлар ходимлари йўловчиларнинг қўл юкларини текширувдан ўтказишади. Хавф-

сизлик чораларини қучайтириш учун махсус қурилмалар, яъни металл детекторлар ҳам ўрнатилган. Бундан ташқари, тигиз вақтларда, яъни бекатлар йўловчилар билан гавжум бўлганда хавфсизлик тизими янада қучайтирилади. Жумладан, бекатларда Ички ишлар ва метрополитен ходимлари сони кўпайтирилади. Йўловчилар поездларга тартибли ва хавфсиз жойлашиши учун тизимли ишлар амалга оширилади. Метро-

политен бошқармасидан ҳар бир бекатга масъул раҳбар ходимлар бириктирилиб, улар навбатчилик асосида тигиз вақтлардаги ҳаракатланиш жараёнини назорат қилиб туришади.

Йўловчиларнинг муносабатлари ва тақлифларини инобатга олган ҳолда иш тутиш – фаолиятимиздаги энг муҳим омиллардан бири. Фуқароларнинг муносабатларини қабул қилиш ва уларга жавоб бериш учун ижтимоий тармоқларда саҳифалар мавжуд. Бундан ташқари, юртдошларимиз фуқаролар билан ишлаш бўлимига, 71 245-56-03 телефон рақамига кўнгирок қилиб, ўз муносабати ва тақлифларини билдиришлари мумкин. Келиб тушган саволларга масъул ходимлар томонидан батафсил жавоб берилади.

Тошкент метрополитени раҳбарияти йўловчиларга турли қулайликлар яратиш мақсадида ҳамisha изланиб келмоқда. Масалан, бу сафарги Янги йил байрами арафасида, яъни 31 декабрь кунини юртдошларимиз илгари ҳеч кузатилмаган янгиликка гувоҳ бўлишди. У ҳам бўлса, байрам муносабати билан Тошкент метрополитени илк марта 31 декабрь тонги соат 05:00 дан 1 январь тунги соат 02:00 гача йўловчиларга хизмат кўрсатди. Бинобарин, шу кунни метро бекатлари иш вақти оdatдагидан 2 соатга узайтирилди.

Таҳлиллар шундан dalolat берадики, бугун метрога бўлган талаб кун сайин ортик бормоқда. Барча талаб ва тақлифларини инобатга олган ҳолда, келгусида метрополитени тизимли равишда босқичма-босқич ривожлантириш кўзда тутилган.



Убайдулла ОМОН: ҲАР БИР ИЖРО – ИМТИҲОН

Тўғриси, маҳоратли бу актёримизни мен негадир ҳинд актёри Раж Капурга ўхшатаман. Сабаби, ҳар икки актёрнинг ижро маҳорати, роллари қайсидир жиҳатлари билан бир-бирига яқин. Ҳайратланарли томони шундаки, бу актёр нафақат томошабин, балки жонсиз камерага ҳам меҳр бера олади. Қаҳрамонимиз залворли фаолияти давомида буни исботлаб келмоқда. У бошқа актёрлар орасида шеърятни, мусиқани назик тушуниши билан ажралиб туради. Ўзига берилган ҳар қандай ролни қойилмақом қилиб ижро этади. Билимсизликка, тартибсизликка мурасасиз. Қалби мусиқадек безор бўлса-да, ҳамма нарсага кўниқиб кетавермайди. Театрнинг ҳақиқий фидойиси Убайдулла Омон ҳаёт ва санъат йўлларининг жуда кўп синовларида тобланган.

– Убайдулла Омоннинг ҳаётдаги фалсафаси қандай?
– Тўғрилиқ ва ҳалоллик. Мен шу йўлни танлаганман. Санъат оламига эндигина қадам қўяётган ёшларга ҳам ҳалол меҳнат қилиб, тўғри сўзни айтиб, ҳамisha эл-юрт дарди билан яшаш зарурлигини маслаҳат бераман.
– Агар актёр бўлмаганингизда қайси касбни танлардингиз?
– Ҳуқуқшунос, аниқроғи, терговчи бўлардим. Шунинг билан керакки, асл касбим актёрлик эмас, режиссёрман. Тошкент ва Санкт-Петербургдаги театр институтларида таҳсил олганман. Режиссёрлик фаолиятимда Бухоро ҳақида иккита ҳужжатли фильмини суратга олганман. Шунингдек, Бухоро театрида ҳам мен сахналаштирган спектакллар қўйилган. Ёшлигимда пойтахтдаги Абдор Хидоятномидеги театрда ҳам ишлаганман. Биринчи спектаклим «Эзувчи Шухрат асари асосида сахналаштирилган «Беш кунлик кувё» бўлиб, у 700 марта қўйилган. Буларнинг бари ўтган асрнинг 70-йилларида бўлган воқеалар. Ҳозир халқ мени актёр сифатида билади.
– Убайдулла ака, сизни яхши сценарий асосида яратилган фильмга тақлиф қилинса, лекин актёрлар орасида энг ёши улуги ва тажрибалиси сиз бўлсангиз, иштирак этармингиз?
– Албатта. Ёш актёрларни қўллаб-қувватлаш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш мен учун шароф. Биласизми, мен ҳеч қачон «шоғирд» деган сўзни ишлатмайман. Лекин интилувчан, изланувчан ҳар бир ёш актёрга ёрдам беришга тайёрман.
– Эшитишимизча, сиз мобил телефондан фойдаланмас экансиз...
– Очиги, яширмайман, телефондан чўчийман. Ҳаётимда кетма-кет уч марта телефон орқали ёмон хабар эшитганман ва бу руҳиятимга ёмон таъсир қилган. Шушу телефон тутмайман.
– Пойтахтдаги режиссёрларга керак бўлсам, театрда ёки уйимга кўнгирок қилишди. Тўғриси, техникага умуман қизиқмайман, машина ҳам йўқ.
– Сиз учун театр нима?
– Театр – бу бошқача шаклдаги ҳаёт! Ҳар бир спектакль – актёр умрининг бир бўлаги, унинг қувонч ва мусибатлари, севгиси ва нафрати, ютуқлари ва мағлубиятлари. Театрда ҳаётни яшаймиз, ҳиссиётларни ҳис қиламиз, қаҳрамонларимиз билан бирга қулиб, бирга йиғлаймиз. Театр ўзимизни ва ўзгаларни яхшироқ англашга, тушунишга ёрдам беради.
– Актёрликда нима муҳим?
– Албатта, ишонч. Актёр ўзига, ролига ва шерикларига ишонини керак. Агар ишонч бўлмаса, ҳеч нарса чиқмайди. Яъни ролни ишонарли ўйнамасангиз, томошабин уни ҳис қилмайди, унга ишонмайди.
– Энг севимли ролингиз?
– Аслида ҳар бир ролим мен учун кадрли. Чунки ҳар бир ижро – мен учун янги тажриба, янги мактаб. Лекин кўнглимга ўтирмаган роль ҳам бор. «Соткин» фильмида Ҳафизулло Омон образини ижро этиш қийин кечган.
– «Ishonch» газетаси жамоаси ва ўқувчиларига тилакларингиз?
– Ҳолис ва ҳаққоний сўз айтатган ижодкор дўстларимизга ҳамisha омад тилайман. «Ishonch» газетхонларининг ишончли ва яқин ҳамкорига айланиб, ўқувчилари янада кўпаяверсин.



EKRAN
ESDALIGI



Сухбатдош:
Умид
ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

ЯХШИЛИКНИНГ ҚУТЛУҒ ИЗЛАРИ



Ўтган асрнинг 90-йиллари эди. Шўро империясининг сўнгги талвасаси – қайта қуриш ва ошқоралик даври авж паллага кирган пайтлар. Ҳаммаёқ ур-йикит, тўс-тўполон. Гапи бор ҳам, йўқ ҳам микрофонга интилади. Матбуот дўконларининг бозори чаққон – ҳамма газетхон бўлиб кетган. Кечкурунлари ҳамма асаларидай гўж бўлиб телевизорга термулади. Дастурхондаги овқатлар совиб қолган. Бир ёзувчи ёзганидек, ит эгасини, эгаси итини танимайдиган қиёмат замони эди.

Бу сиёсий жараён катта-кичик раҳбарларни, сиёсатчи ва ижодкорларни «хукумат тарафдорлари» ва «демократлар»га ажрата бошлади. Ўша даврларда Ўзбекистон собиқ Марказқўмнинг матбуот соҳасида фаолият кўрсатиб келаётган ходимларидан бири Аббосхон Усмоновнинг номи тез-тез тилга олинган бўлди. Бир тоифа мухаррирлар у кишини «демократ» деб таърифласа, бошқа бир гуруҳ мухаррирлар «хукумат одами, партия манфаатларини химоя қилади», деб ғийбат қилишарди. Тахририятимизга янги келган бир мухаррир ходимларни аканинг номи билан қўриқтар эди. Ўшанда бу инсоннинг номини эшитиб, кизикиб қолганман.

Орадан ҳеч вақт ўтмай, қудратли шўро империясини тарикдай сочилиб, таркаб кетди. Ўзбекистонимиз Мустақил бўлди. Узок йиллар ҳукмронлик қилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ўрнига Ўзбекистон Республи-

каси Президенти девони ташкил этилди. Ва бу қутлуғ идорада бошқа соҳаларнинг мутахассислари каторида ижодкорлар ҳам турли ишларга тақлиф қилинди. Сал кейинроқ Президент девонининг янги ташкил этилган Ахборот хизмати бўлимида матбуот соҳаси раҳбари Аббосхон Усмонов, у кишининг ўринбосари, таниқли адиб Хуршид Дўстмухаммад ва камина ходим бўлиб иш бошлади. Раҳбаримиз Аббосхон Усмонов талабчан, жиддий ва самимий раҳбар эди. Фарғоналик бўлгани боис қулгини, ҳазил ва аскияни ўз ўрнида ишлатар эди. Баъзан топшириқлар кўп бўлган кезларда уларни бажариб бўлган, Аббосхон ака билан Хуршид аканинг ўрталарида туриб олиб, «икки бойга бир малай, яна қандай хизмат қилай?» деб ҳазиллашардим. Улар ҳам бу самимий ҳазилни яхши қабул қилишарди.

Ахборот хизмати раҳбари бир нўнок ва довдир киши эди. У собиқ шўронинг «Известия» газетаси, қатор мамлакатларда мухбир бўлиб ишлагани боис Ўзбекистонда қандай улкан тарихий воқеа содир бўлганлигини хали ҳам англаб етмаган эди. Узундан-узук мажлислар қилиб, ҳамманинг вақтини оларди. Соатлаб мажлисда ўтирган айрим ходимларнинг кон босими кўтарилиб кетса ҳам парво қилмай, мажлисини давом эттирарди...

Бир гал у уч соатдан кўпроқ мажлис қилди. Ҳамма ходимларнинг тинка-мадори қуриб, обдан чарчади. Раҳбар га-

пини тугатиб, «Кимда савол бор?», деб сўради. Шунда Хуршид Дўстмухаммад одатдагидай қитмирлик билан жиддий савол берди: «Хозир бизга айтган гапларингиз ва топшириқларингиздан юқоридагиларнинг хабарлари борми?»

Раҳбар олдин довларди. Сўнг столни мушглаб: «А қак же... Сиз туншунмабсиз», деб саволга яна уч соат жавоб берди. Ходимларнинг хафсаласи пир бўлди. Кейинги мажлисга киришимиз билан Аббосхон ака Хуршид акага юзланди: «Хуршидбек, илтимос савол берманг!». Бу илтимосни ҳаммамиз қўлладик.

Ана шундай нохуш пайтларда, кўнгилсиз мажлислардан толиққан ходимларга Аббосхон ака таскин бериб, уларнинг кўнглини кўтарарди.

Биз катта тажриба эгаси Аббосхон Усмоновдан тез-тез маслаҳат олиб турардик. Айниқса, Девонда ҳужжат билан ишлашни пухта билиш талаб этилади. Аббосхон ака бу борада катта тажрибага эга эди. У киши тайёрлаган ҳужжатлар камдан-кам қайтарди.

Девон ҳам бир катта мактаб. Бугун маданият соҳасида, матбуот ва телевиденида ишлаётган кўплаб ҳамкасбларимиз Аббосхон Усмоновни устоз деб билишади.

Аббосхон Усмонов билан ишлаш жараёнида у кишини шўронинг ҳам, «демократларнинг» ҳам тарафдори бўлмаганлигини англаб етдим. Аслида бу инсон чин

ватанпарвар экан. Айниқса, мустақил Ўзбекистоннинг дадил қадамлари, эришган улкан ютуқлари ва дунёда юксалиб бораётган нуфузига бағишлаб чоп этилган «Эътироф» номли китоб-альбомни ва рақасангиз, унинг муаллифи Аббосхон Усмоновнинг овоз ва хур Ватанга бўлган меҳр-мухаббатини чуқур ҳис қиласиз. Шунингдек, унинг «Ўзбеклар ишига бағишланган» «Қабоҳат салтанати», «Ўзбек сўзи» китобларини ўқисангиз, халқнинг ор-номуси, гурури, меҳнатқашиги ва қатор фазилатлари улугланганига гувоҳ бўласиз...

Орадан бироз вақт ўтиб, камина «Муштум» журналига учирма бўлдим. Хуршид Дўстмухаммадга «Хуррият» газетаси насиб этди. Аббосхон Усмонов ўша пайтдаги мамлакат бош газетаси – «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари раҳбари этиб тайинланди.

У кишининг жасоратли мухаррир эканлигини хануз ҳамкасблар эътироф этиб келади. Газета ўша даврларда, яъни Аббосхон Усмонов раҳбарлик қилган 1997-2016 йилларда чинакам халқ сўзига айланганини кўпчилик яхши билади. Эсимда, газетанинг 2004 йил 12 август сонидеда чоп этилган «Журналистлик – ниймодан бошланади», деб номланган Бош мухаррир мақоласи катта акс-садо берган, ҳамкасблар ва мутахассисларнинг жиддий баҳс-мунозараларига сабаб бўлган эди. Шунингдек, каминанинг «Чорвокни

асрайлик» деб номланган танқидий мақоласи Тошкент вилояти ҳокимлигида муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинган эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин...

Аббосхон Усмонов «Правда Востока» газетаси Бош мухаррири лавозимида ишлаган даврда ҳам нашрнинг нуфузи ошди, обуначилари кўпайиб борди. Газетанинг 2010 йил 30 июнь сонидеда чоп этилган ўзбек-қирғиз халқларининг абдий дўстлиги, қон-қардошлиги чуқур тахлил қилинган мақола юксак эътирофга сазовор бўлди.

Бугун муборак 80 ёшни қаршилаган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аббосхон Усмоновнинг Мустақил Ўзбекистон матбуоти ривожига муносиб ўрни ва катта хиссаси бор.

У киши ўта самимий, беозор ва камтар. Яна бир ибратли фазилати борки, одамларга яхшилик қилишдан асло чарчамайди. Зеро, Аббосхон ака яхшилик одами. Яхшиликнинг қутлуғ излари эса ҳеч қачон йўқолмайди. Умрининг саксонинчи довонидан ҳалоллик ва виждон, тўғрисиқ ва ёруғ юз билан дадил ошган Аббосхон Салоҳиддиновичга сихат-саломатлик ва узук умр тилаймиз!



Ашурали Жўраев,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

МУАССИС:

Ўзбекистон қасба уйushmalar Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-йил 11-январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Shuhrab RAFIQOV,
Shoqsim SHOILOMLOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosi),

Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalarini hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrirlar:
J. Nahonov,
S. Abdurahmonov

Musahhih:
D. Xudoyberganova

Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 03:30
Topshirildi – 03:50

Bahosi kelishilgan narxda
Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Nashr ko'rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 32 360 ta
Shundan: **6 263 nusxasi**
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
18 231 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
7 866 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 6 bosma taboq. Buyurtma G-1211
1 2 3 4 5 6

Reklama

Biznesni Rivojlantirish Banki

2025

● Yangi yilingiz muborak bo'lsin! ●

BRB ilovasida 10 million so'mgacha KOMISSIYASIZ o'tkazmalar

Переводы БЕЗ КОМИССИИ до 10 млн сум в приложении BRB

1254
www.brb.uz

Xizmatlar litsenziyalangan

Азиз газетхон!
Мароқли дам олинг!



Ким кўрубдур, эй кўнгул,
аҳли жаҳондин яхшилиг?
Кимки, ондин яхши йўқ,
кўз тутма ондин яхшилиг!

Маъмуржон Тўхтасинов ижросида

«Яхшилик» қўшиғи

Захириддин Мухаммад Бобур ғазали